# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 15 март, № 51 (6486) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



### Фаолияти қайта тикланди

**Қашқадарё**

Яккабоғ туманидаги банкрот ҳолатига келиб қолган “Универсал тараққиёт текстиль” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган кенг кўламли модернизациялаш тадбирларидан сўнг унинг фаолияти тикланди.

Бу ерга киритилган қўшимча инвестиция ҳисобига замонавий технологиялар асосида пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юзга яқин малакали мутахассислар яна иш жойига қайтди.

— Ҳозирги пайтда йилига 2 минг тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлаш имконига эгамиз, — дейди МЧЖ иш бошқарувчиси Э. Норқулов. — Технологик янгиланишлар туфайли бугунги кунгача минг тоннага яқин калава ип ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Келгусида маҳсулотларимизни экспортга ҳам йўналтирмоқчимиз.

2015 йил давомида вилоятдаги 213 та саноат корхонасида модернизациялаш тадбирлари бажарилиб, 325 та янги саноат субъекти фойдаланишга топширилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Талабга мос таклиф

**Наманган**

Вилоятда ички бозорни импорт ўрнини босувчи истеъмол товарлари билан тўлдиришда фаол қатнашаётган кичик бизнес субъектлари сони тобора кўпаймоқда. Наманган туманидаги “Element paint” масъулияти чекланган жамияти — ана шулардан бири. Айни пайтда у ерда икки юздан ортиқ турдаги лок-бўёқ ҳамда пардозлаш ашёлари ишлаб чиқарилаяпти.

Травертин, яъни тошли сувоқ бинокорлик материали ҳисобланади. Жамоа томонидан яқинда ушбу маҳсулотни тайёрлаш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, тўқимачилик соҳаси учун зарур бўлган елим тайёрлаш жараёнлари ҳам маҳаллийлаштирилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Жумладан, 2015 йил давомида вилоятдаги қурилиш ташкилотларига 1 миллиард 360 миллион сўмликдан зиёд пардозлаш материаллари етказиб берилди.

МЧЖ раҳбари А. Аҳмаджоновнинг таъкидлашича, талабга мос таклиф билан чиқиш ривожланиш омилидир. Шуни эътиборга олиб, корхонада модернизациялаш тадбирларини амалга оширишга қарор қилинди. Банк 1 миллиард сўм кредит ажратди. Унга хориждан илғор технологик ускуналар келтирилади. Лойиҳа ижросидан сўнг корхона қуввати эллик фоиз ортиб, жамоа сафига яна 20 киши қўшилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Корхонанинг дастлабки маҳсулоти

**Жиззах**

Пахтакор туманидаги “Пахтакор нур” масъулияти чекланган жамияти томонидан мойли экинларни қайта ишлаш корхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши билан 40 кишининг бандлиги таъминланди.

— Ушбу лойиҳа қиймати 2 миллиард 900 миллион сўмга тенг бўлиб, уни рўёбга чиқариш учун банкнинг 850 миллион сўмлик кредитидан ҳам фойдаландик, — дейди мазкур жамият раҳбари Б. Аббосов. — Эндиликда илғор технологиялар ёрдамида махсар, зиғир, кунжут, кунгабоқардан ўсимлик ёғи тайёрлаймиз. Ҳозирги кунда ушбу турдаги экинларни етказиб бериш бўйича вилоятимиз туманларидаги фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланмоқда. Қолаверса, соя ўсимлиги четдан келтирилиб, шу ернинг ўзида қайта ишланаяпти. Тез орада совун тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ.**

СУНЬ Лицзе:

## НАВРЎЗ — ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, САХОВАТ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

Йилнинг энг ажиб ва гўзал фасли баҳор кириб келди. Баҳорда табиат уйғониб, бутун борлиқ жонланади. Халқимизнинг қадимий байрами Наврўз яқинлашмоқда. У барчамизга қувонч, янги орзу-умидлар улашади. Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрамини юксак даражада нишонлаш мақсадида кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Наврўз арафасида **Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси СУНЬ Лицзе** ЎзА мухбирига ушбу байрамимиз ҳақидаги таассуротларини сўзлаб берди:

**НАВРЎЗ — 2016**

— Наврўз — табиатнинг янгиланиши ва ўзгариши, қадимий ҳамда энг севимли умумхалқ байрамларидандир. У азалдан тинчлик, бағрикенглик, яхшилик, саховат ва меҳр-мурувват рамзи бўлиб келган. Гўзаллик ҳамда нафосат тимсоли бўлган ушбу байрамни барча орзиқиб кутади.

Мазкур айёмни яна Ўзбекистон халқи билан бирга нишонлаётганимдан ғоят хурсандман. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ҳамда аҳиллик Наврўзнинг қувончли кунларида янада яққолроқ намоён бўлади. Беморлар, ёлғиз инсонлар ва боқувчисини йўқотганлар, эҳтиёжманд одамларга кўмак берилмоқда, кексаларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатилаётир.

Мен Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудида бўлганман ва шуни айтишим мумкинки, ҳар бир шаҳар гўзаллиги ҳамда ўзига хослиги билан катта таассурот уйғотади. Ўзбекистонликлар ягона оила бўлиб ушбу ажойиб байрамни халқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда, шоду хуррамлик билан нишонлаши кишига қувонч бағишлайди. Файзли дастурхонлар анъанавий ва инсонга қувват бағишлайдиган сумалак, ҳалим, кўк сомса каби баҳорий таомлар билан безатилиб, унинг атрофида яқин қариндошлар, дўсту ёрлар, қўни-қўшнилар тўпланади.

(Давоми 2-бетда).

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Брюсселда Ўзбекистон таълим тизимининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан Европа пойтахтлари университетлари тармоғи (UNICA) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

## Ўзбекистоннинг таълим тизими Брюсселда тақдим этилди

Тадбирда Бельгиянинг расмий, илмий-академик доиралари, Европа Иттифоқи Комиссияси ҳамда ЕИнинг бошқа институтлари вакиллари, “Vrije Universiteit Brussel”, “Antwerp University” сингари университетлар ва бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

Маълумот тариқасида қайд этиш жоизки, Европа пойтахтлари университетлари тармоғи (UNICA)га 1990 йилда асос солинган бўлиб, айни пайтда “кўҳна қитъа”нинг 35 давлатидан 46 университет унга аъзо. UNICA Европадаги олий ўқув юртларининг 150 минг ходими ва 1,8 миллион талабани ўз атрофида бирлаштирган. UNICA Европа университетлари ассоциацияси (EUA) таркибига киради. EUA доирасида университетлар ҳамкорлиги ва ахборот алмашуви ҳамда қўшма тадқиқот лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилинади.

Ушбу ташкилот қароргоҳида бўлиб ўтган тақдимот чоғида Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йиллари давомида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш ҳамда мамлакатнинг узоқ муддатли вазифа ва манфаатлари таъминланишига муносиб ҳисса қўшадиган, халқаро андозаларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар анжуман иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан замонавий узлуксиз таълим тизимига мустаҳкам асос солган иккита жуда муҳим ҳужжат — “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган. Уларнинг амалиётга киритилиши натижасида тарихан қисқа даврда тизимнинг нафақат шакли, балки моҳиятида ҳам баркамол авлод тарбиясини таъминлайдиган кенг кўламли ўзгаришлар рўй берди.

(Давоми 4-бетда).

Ахборот-коммуникация технологиялари:

## МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТ




Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, бугунги кунда нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, бундай технологиялар ахборотлашган жамият негизини ташкил этиб, одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда.

**ТАҲЛИЛ**

Буни 2015 йилда дунёда интернетдан фойдаланувчилар сони 2000 йилдагига нисбатан 7 марта кўпайиб, 3,2 миллиардга, мобиль телефон абонентлари эса 7 миллиардга етгани тасдиқлаб турибди.

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ушбу масалага тўхталиб, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратишини унутмаслигимиз зарурлигига эътибор қаратди.

(Давоми 2-бетда).

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти йўлсозлик соҳасидаги фаолиятларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, кенг ва равон йўллар, кўприклар халқаро талабларга мос ҳолда бунёд этилаяпти. Сўнгги йилларда мазкур йўналишда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

## Қонун ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганилди

Автомобиль йўлларини қонуний тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш каби масалалар парламент назоратининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижроси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қонун талаблари назорат-таҳлил тартибида ўрганиб чиқилди.

Тадбирда қуйи палата депутатлари, Жиззах вилояти ҳокимлиги, вазирликлар, мутасадди ташкилотларнинг вакиллари, экспертлар, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, юртимизда замонавий транспорт-коммуникация тизимини яратиш, халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш соҳасида “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонун ҳамда қатор қонуности ҳужжатлари ва қарорлар қабул қилинган. Жумладан, Президентимиз қарори билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури асосида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаяпти.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тизимини 184 минг км. узунликдаги йўллар ташкил этиб, уларни реконструкция қилиш, жорий созлаш ва сақлаш соҳасида манзилли дастурлар рўёбга чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Эзгу қадриятлар ифодаси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги фармойиши билан жорий йилнинг март — апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари, деб эълон қилиниб, унинг доирасида кенг кўламли бунёдкорлик, эзгу саховат тадбирлари амалга оширилмоқда. Хусусан, бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида юртдошларимиз саъй-ҳаракати билан қишлоқ ва шаҳарларимиз янада чирой очиб, неча-неча кўнгилларга хурсандчилик улашилди.

**УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ**

Ушбу хайрли ишларни рўёбга чиқаришда фуқаролар йиғинлари, “Камолот” ЁИҲ, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари, таълим муассасалари ўқитувчилари, ўқувчи ҳамда талабалари — кенг жамоатчилик вакиллари фаоллик кўрсатди.

— Умумхалқ хайрия ҳашарида 18,4 миллион нафардан ортиқ аҳоли, шу жумладан, 11,5 миллион нафарга яқин ёшлар фаол қатнашди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д. Усмонов. — Икки кун мобайнида улар томонидан 43,7 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди, 27,7 минг километрлик ариқ ва лотоклар тозаланди, 8,8 мингта қабристон ҳамда 800 га яқин зиёратгоҳ тартибга келтирилди. Шу билан бирга, 12 миллионга яқин манзарали, 10 миллиондан зиёд мевали дарахт кўчатлари экилди. Кўчалар ва йўлларни янада кўркамлаштириш мақсадида 14 миллиондан ортиқ гул кўчатлари ўтқазилди.

Ҳашар кунларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдамлари кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

**15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни**

## Инсон манфаатлари устувор

Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, жамиятда инсон манфаати устуворлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, ҳаётимиз ҳар томонлама тўкис бўлиб бораяпти. Айниқса, савдо шохобчалари сифатли молларга тўлдирилиб, хизматлар кўлами кенгаяётгани эътиборга лойиқ. Бу, ўз навбатида, рақобат муҳитини шакллантириш баробарида, маҳсулот харид қилиш ёки хизмат кўрсатишда масъулиятли бўлишни талаб этаяпти.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун 15 март — Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган анжуманда ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, бугунги кунда федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрилаётир. Хусусан, федерацияга 7501 ариза ҳамда шикоят келиб тушган бўлса, шундан 92,4 фоизи ижобий ҳал қилиниб, қарийб 3 миллиард сўмлик зарар истеъмолчилар фойдасига ундириб берилгани бунинг тасдиғидир.

Мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти коммунал, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларга тўғри келаяпти.

(Давоми 2-бетда).

СУНЬ Лицзе:

# НАВРЎЗ — ТИНЧЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК, САХОВАТ ВА МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда ҳар йили Наврўз арафасида шаҳар ва қишлоқларда кўп сонли янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши юксак эътирофга лойиқ. Ушбу хайрли ишлар замирида Ўзбекистон тараққиёти, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш каби олижаноб мақсадлар мужассам.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами катта тантана билан нишонланиши гўзал анъанадир. Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг Ватан, мустақиллик, Наврўз, баҳор, меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи чиқишлари, жаҳон классик куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади. Халқ урф-одатларини акс эттирадиган лапарлар, жозибадор рақслар, театрлаштирилган томошалар, миллий спорт ўйинлари байрамга янада кўтаринкилик бағишлайди.

Ўзбек халқининг бой ва серқирра маданияти, анъана ҳамда урф-одатлари бутун дунёга машҳурлигини алоҳида қайд этмоқчиман. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида кўп асрлик маънавий анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, шунингдек, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Халқларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Ўзбек халқининг эзгулик ва меҳр-мурувват, бағрикенглик, меҳмондўстлик каби фазилатлари, ўз тарихи ҳамда бугунги кунидан фахрланиш туйғуси хитойликларга ҳам хосдир. Наврўз арафасида умумхалқ ҳашарлари ташкил этилиб, ҳудудлар янада ободонлаштирилиши ўрнак олса арзигуликдир. Бундай яхши анъаналар инсонларни жипслаштириб, жамиятда тинчлик ва тотувлик, меҳр-мурувват ҳамда яратувчанлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги дипломатик фаолиятим даврида турли соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарадорлиги, халқингизнинг яратувчанлик салоҳиятига гувоҳ бўлдим. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарасида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Зеро, тотувлик, эзгулик ва ҳалол меҳнат қадрланадиган юртда доимо фаровон ҳаёт ҳукм суради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Тинчлик-осойишталик, бахт-саодат ва янада юксак тараққиёт тилайман.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

# Қонун ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Депутатлар ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жорий йилда Ўзбекистон миллий автомагистралини модернизациялаш ишларини якунига етказиш, қарийб 513 км. йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича амалий саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида муайян ишлар амалга оширилгани кўрсатиб ўтилди. Олиб борилган таҳлилларга кўра, вилоятда автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 7,8 минг км. бўлиб, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 182,4 млрд. сўм маблағ ажратилди. Натижада вилоятда 31 км. автомобиль йўллари реконструкция қилинди, 18 км. автомобиль йўллари тўла ҳамда 97 км. йўллар жорий таъмирланди.

Йиғилишда амалга оширилган ижобий ишлар қаторида қонун ижросини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар борлиги ҳам иштирокчиларнинг эътибор марказида бўлди.

— Вилоятда Қонун талабларини ўрганиш чоғида бажарилиши лозим бўлган бир қатор масалаларга алоҳида аҳамият қаратилди, — дейди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Хусусан, соҳага малакали мутахассисларни кенгроқ жалб этиш, автомобиль йўлларини жорий ҳамда тўла таъмирлаш борасидаги назорат ишларини кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бундан ташқари, соҳадаги маҳсулот сифатини назорат қилиш лабораторияларини такомиллаштириш, ички йўлларни таъмирлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, қонун ижроси борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар бўйича қўмитанинг қарори қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

ИЗЛАНИШ

*Чимбой туманида бундан беш йил аввал ташкил этилган "Амангелди Мехрибан" масъулияти чекланган жамияти озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиларди. Эндиликда корхона таркибида ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Пировардида қўшимча ўнта иш ўрни яратилди.*

# Хизмат кўрсатишдан ишлаб чиқаришга

— Аҳолининг талаб ва эҳтиёжини чуқур ўрганиб, 33 минг АҚШ долларилик кредит ҳисобига хориждан замонавий технологик ускуналар келтириб ўрнатдик, — дейди тадбиркор Ҳамидулла Утамбетов. — Натижада нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилди. Қувонарлиси, маҳсулотларимиз сифати харидорларга манзур бўлмоқда.

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида саноат соҳасида 145,3 миллиард сўмлик ва 16,5 миллион АҚШ долларилик 247 та лойиҳа амалга оширилиб, 6575 кишининг бандлиги таъминланди. Улар томонидан 135 миллиард сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Эзгу қадриятлар ифодаси



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, 21 мингдан зиёд оилаларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. 26 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилалар, шу жумладан, 11 мингдан кўпроқ ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдамлар кўрсатилди. Мазкур хайрия тадбирлари учун жами 3 миллиард 600 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланди.

Фориш туманидаги "Нурак" маҳалласи фаоллари ташаббусидан ҳудудда яшовчи уруш қатнашчиси Н. Аясовнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Отахон уйининг таъмири учун "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан 3 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Жиззах вилояти бўйича 1745 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига, муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий кўмак берилди.

Бу йўналишдаги ишлар Андижонда ҳам изчил олиб борилди. Икки кун давомида бу ерда 1700 нафардан зиёд ёлғиз, боқувчисини йўқотган ҳамда ногиронларга уй-жойларини таъмирлашга маблағ ажратилди.

— Наврўз байрами шукуҳи кезаётган айни дамларда ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунларида навоийликлар ҳам янги-янги ташаббусларга қўл урди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлими масъул котиби С. Туробов. — Жумладан, Кармана туманидаги "Деҳқон" маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога кўчиб ўтди. Фонднинг 270 миллион сўм маблағи ва маҳалла тадбиркорлари ҳомийлиги ҳисобидан бунёд этилган кўркам иншоот атрофига мевали ҳамда манзарали дарахтлар ниҳоллари ва гул кўчатлари ўтқазилди.

Ҳашар кунлари ижтимоий объектларни фойдаланишга топшириш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш, болалар спорт майдончаларини қуриш, боғлар барпо этиш билан боғлиқ эзгу ишлар ҳам анъанага айланган. Шу жумладан, республика бўйича маҳаллаларда ижтимоий, савдо ва маиший объектлар — 19 та маҳалла идораси ҳамда гузари, 22 та болалар майдончаси, 95 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 14 та ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди.

— Маҳалламизда тўрт минг нафардан зиёд кишилар истиқомат қилади, — дейди пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Д. Камолова. — Ҳашар кунларида уларнинг кўмагида катта ҳажмдаги ишлар уддаланди. Мисол учун, тадбиркорларимизнинг ёрдами билан маҳалламизда болалар майдончаси ташкил қилдик. Бундан мурғак қалб эгалари қанчалик севинганини кўрсангиз эди.

Умуман, умумхалқ хайрия ҳашари юртимизнинг барча ҳудудида ана шундай бунёдкорлик, яратувчанлик ҳамда меҳр-мурувват тадбирларига бой бўлди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасидаги бундай эзгу саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Инсон манфаатлари устувор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буни ҳисобга олган ҳолда, федерация тегишли вазирлик ҳамда идоралар, назорат қилувчи органлар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, биргаликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, табиийки, ўз самарасини бераётир. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда қисқа рақамли "Ишонч телефони" — "1091" ишга туширилгани туфайли истеъмолчилар мурожаатларини қабул қилиш янада такомиллашди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда федерация Малайзия, Франция, Германия, Хитой, Вьетнам сингари давлатлар мутахассислари билан тажриба алмашиб, алоқаларни кенгайтираётгани ҳам тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоиз, 2002 йилда ташкил этилган федерация тизимида ҳозирги кунда 14 та ҳудудий бирлашма, 193 та туман (шаҳар) жамияти ҳамда 5515 та таянч гуруҳи мавжуд бўлиб, уларга 426 минг нафар истеъмолчи аъзо. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида соҳадаги муносабатлар тартибга солинган.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Иқтисодиётни институционал такомиллаштириш

## хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади

Пойтахтимизда "Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

**АНЖУМАН**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари олимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган босқичма-босқич ислоҳотлар туфайли ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу, энг аввало, хўжалик фаолиятини юритиш ва ривожлантиришнинг пухта ҳуқуқий асоси мустаҳкамлангани самарасидир.

Дарҳақиқат, юртимизда институционал ислоҳотлар амалга оширилган, ўз навбатида, хусусий мулкчиликнинг шаклланиши, бозор муносабатларига ўтиш ҳамда янгича бошқарув тизимини барпо этиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конференцияда иқтисодиётни институционал ривожлантириш асосида қўлга киритилаётган ютуқлар, хусусан, саноатда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, тармоқларни модернизация қилиш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш учун олиб борилаётган тизимли ишлар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Якунда билдирилган таклифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

Ахборот-коммуникация технологиялари:

# МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 5,5 фоизи АКТ соҳасига тўғри келмоқда. Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ортади. Масалан, Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳанинг улуши 11,8 фоиздан ошиши кутилаяпти. Чунки ушбу мамлакатдаги "Иннополис" технологик паркига жалб қилинган 54 та илмий тадқиқот институти, 25 та университет, 37 та агентлик ва 3327 компания мутахассислари ҳамда 29 мингга яқин фан докторларининг изланишлари шу соҳа равнақига қаратилган.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда АКТ ривожланган давлатлар иқтисодиётининг локомотивига айланган. Мазкур соҳа глобал инқироз шароитида ҳам фаол ривожланаётгани диққатга сазовор. Яъни АҚШда ўтказилган тадқиқотлар натижасига қараганда, айни шу даврда интернетни тараққий эттиришга йўналтирилган бир доллар мамлакат иқтисодиётига 10 доллар бўлиб қайтгани кузатилди. Шу боис инвесторларнинг бу сердаромад тармоққа бўлган қизиқиши янада кучайиб, жалб қилинаётган сармоялар ҳажми оширилмоқда. Бунинг эвазига ўтган йили Европа Иттифоқида 1 миллиондан ортиқ иш ўринлари яратиш, 850 миллиард евро даромад кўришга эришилди.

АКТнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, ундан фойдаланиш глобал характерга эга. Бу, айниқса, бошқарув тизимида меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади. Дунёда биринчи бўлиб иқтисодиёт соҳаларини оптик толали тармоқ билан тўлиқ таъминлаган Сингапур, Швеция давлатларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар бунга мисол бўла олади.

Республикамиз иқтисодиётига ҳам АКТни босқичма-босқич жорий қилиш, ахборотлаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Истиқлол йилларида соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"-ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари бунда дастуриламал бўлаяпти. Натижада биргина 2015 йил давомида 1800 км. узунликдаги оптик толали алоқа тармоқлари бунёд этилиб, инфратузилмани ривожлантириш, интернетдан самарали фойдаланишга эришилди.

Бироқ давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сўнгги йилларда иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига қарамасдан, ҳозирги вақтда биз бу борада дастлабки босқичда турганимизни тан олишимиз даркор. Яъни мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизга яқини ахборот-коммуникация технологиялари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Уни таркибий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, 89 фоизи алоқа ва ахборотлаштириш, 4 фоизи дастурий таъминот ишлаб чиқариш, 7 фоизи электрон маҳсулотлар ҳамда компьютерлар тайёрлаш тармоқлари улушига тўғри келади.

Айтиш жоизки, ялпи ички маҳсулот таркибида АКТ ҳиссаси ошиши бевосита бошқа соҳалар ривожига ҳам кенг йўл очади. Мисол учун, Ҳиндистонда мазкур индустриянинг тараққий этиши туфайли АКТ аутсорсинг хизматлари иқтисодиётнинг турли тармоқларини қамраб олди. Пировардида 2015 йилда бизнес жараёнлар аутсорсингидан олинган даромад 150 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Шу маънода, юртимизда хизматлар кўрсатиш соҳасида алоқа ва ахборотлаштириш тармоғининг ҳиссаси тобора ортиб бораётгани қувонарлидир. Гап шундаки, ўтган йили тизим корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар 15,4 фоиз ўсди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар 17,5 фоиз, компьютер ва дастурлаш хизматлари 13,4 фоиз ошди. Қолаверса, республикамизда 320 та давлат ахборот ресурси рўйхатдан ўтган бўлиб, бу борада аввалги йилдагига нисбатан 23 фоиз ўсишга эришилган. Худди шу даврда давлат органларининг 466 таси ахборот тизими рўйхатидан ўтказилди. Буларнинг барчаси юқори интеллектуал билимларни талаб қиладиган АКТ соҳаси тобора равнақ топиб, соғлом рақобат муҳити вужудга келганидан яққол далолат беради.

АКТнинг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланмиш шахсий компьютерларни ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида қўллаётганлар сони кейинги беш йилда 1,6 баробар кўпайиб, 620 минг 212 тани ташкил қилди. Жумладан, 3338 та корхона фаолиятида дастурий воситаларнинг деярли барча турларидан кенг фойдаланилмоқда. Яъни уларнинг 2151 тасида антивирус, 1253 тасида электрон шаклда молиявий ҳисоб-китобларни бажариш, 724 тасида электрон ҳуқуқий-маълумотнома тизимлари, 550 тасида ташкилий, бошқарув ва иқтисодий вазифаларни ечиш, 284 тасида эса товарларни сотиш ва сотиб олишни бошқариш дастурлари қўлланилмоқда. Бу ижобий ҳолат, албатта.

Дастурий воситаларни танлашга ҳам жиддий эътибор қаратилиши зарур. Чунки бундай маҳсулотларнинг замонавийсидан фойдаланилмаса, АКТга киритилаётган инвестициялар ўзининг иқтисодий самарасини бермаслиги мумкин. Бинобарин, юртимизда 328 та микрофирма ва корхона дастурий маҳсулотларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Давлат статистика қўмитасида ҳам барча статистик ҳисобот шакллари тўлиқ электрон шаклда тақдим этиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари "e-Stat 2.0" автоматлаштирилган ахборот тизими асосида ойлик, чораклик ва йиллик статистика ҳисоботларини тўлиқ электрон шаклда топширишмоқда. Бу тадбиркорлар учун қўшимча қулайлик яратиб, вақт ва моддий ресурсларни тежаш имконини бераяпти. Дастлабки ҳисоб-китоблар фақат 5 та статистик ҳисобот шаклларини бир ҳисобот даврида электрон кўринишда тақдим қилиниши натижасида қарийб 1,4 миллиард сўм миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини кўрсатаётгани бунинг яққол далилидир.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 260 дан ортиқ турдаги замонавий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларнинг электрон шаклга ўтказилиши натижасида 2015 йил давомида 42,8 мингта хўжалик юритувчи субъект интернет орқали рўйхатдан ўтказилгани эътиборга молик.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига АКТ татбиқ этилиши жараёнида ташкилий ўзгаришлар амалга оширилиб, инновациялар оқилона қўлланилса, самарадорлик янада юқори бўлади. Бу борада Жанубий Корея, Хитой, Финляндия каби мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби ушбу давлатларда соҳага бошқаларга нисбатан 2 марта кўп сармоя сарфланиб, у, асосан, зарур қурилмалар, дастурий таъминот, телекоммуникация маҳсулотлари ва ахборот хизматлари ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Бу бежиз эмас. Нега деганда, ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши, авваламбор, билимлар ва интеллектуал салоҳият ҳисобига таъминланаяпти. Шунинг учун ҳам бу жабҳага киритилаётган инвестициялар миқдори асосий фондлардагига қараганда жадал ўсиб бормоқда. Масалан, Жаҳон банкининг 2015 йилдаги тадқиқотларига мувофиқ, биргина тезкор интернет фойдаланувчилари сонини 10 фоизга ошириш орқали мамлакат ялпи ички маҳсулотини 1,3-2 фоиз, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни эса 1,2 фоиз юксалтиришга эришиш мумкин экан.

Хулоса ўрнида айтганда, АКТнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири ниҳоятда юқори бўлиб, бу, энг аввало, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, рақобатдошлик таъминланиши, янги иш ўринлари яратилиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатлари камайишида намоён бўлади. Пировардида саноат салоҳияти юксалиб, ташқи бозорларга чиқиш, янги савдо йўналишлари очиш имконияти кенгайиб бораверади.

**Баҳодир БЕГАЛОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

# «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»

## ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ФОНДИ

**Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида**

**тендер савдоларини эълон қилади.**

**Лот № 1. Туғма фенилкетонурия ташхисли чақалоқлар учун болалар шифобахш озиғи.**

Мазкур лойиҳа доирасида тендерда эълон қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдоларида иштирок этишга таклиф қилинади.

Тендерда қатнашиш учун имзоланган ариза ҳамда тўловнома нусхаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондига топширилганидан кейин қуйидаги манзилдан шахсан ёки курьер хизмати орқали тендер ҳужжатлари тўпламини олиш мумкин.

Тендер ҳужжатларининг баҳоси — 250 (икки юз эллик) АҚШ доллари ёки эквивалент миқдорида ўзбек сўмида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов ўтказиладиган кундаги курси бўйича.

**Банк орқали тўлов қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак:**

- АҚШ долларида: ҳисоб рақами: 20212840600431338001, банк коди: 00407, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бош амалиёт бўлими, СТИР: 200548507.
- ўзбек сўмида: ҳисоб рақами: 20212000000431338001, банк коди: 00407, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Бош амалиёт бўлими, СТИР: 200548507.

**Тендер ўтказилишига доир саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:**
**«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди,**
**Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Тел./факс: (+99871) 233-15-47. E-mail: fondsau@yahoo.com**
**Тендер таклифларини тақдим этиш муддати —**
**2016 йил 11 апрель куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача.**

452A/202

# «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

* Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 12 февралдаги 10-1511/27386-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Чигил кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 414,0 кв.м., фойдаланиш майдони 344,13 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 438 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 14 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

* Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 18 октябрдаги 1-2772/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчасидаги 825,0 кв.м. ер майдонида жойлашган, умумий майдони 3431,0 кв.м.дан иборат бўлган «Ёшлар маркази» мажмуаси биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 400 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 31 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,**
**Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

448R/6

Хизматлар лицензияланган.

# «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, асосий биноларнинг сони 20 та бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда. Ер участкасининг умумий майдони — 41055,95 кв.м., қурилиш ости майдони — 9773 кв.м., фойдаланиш майдони — 10989,83 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 4 202 142 877 сўм.***

Шунингдек, юқоридаги бино-иншоотларда жойлашган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда:

* Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан) 2 (RBD) 8 мм.дан 1 мм.гача.

***Бошланғич баҳоси — 538 769 976 сўм.***

* Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан 1 Rolling mashine) 16 мм.дан 18 мм.гача.

***Бошланғич баҳоси — 1 171 610 899 сўм.***

* Экструдер (Extrudion va-chine) QLVG-650 №0110/1500N/1-8 мм.

***Бошланғич баҳоси — 448 974 980 сўм.***

* Индукцион типдаги мисни эритувчи «Upward Custing» печи.

***Бошланғич баҳоси — 889 398 055 сўм.***

* «Zwich ROeliZ020 resistomat 2316 Burster тип 2316 V0001» электр ускунаси.

***Бошланғич баҳоси — 116 733 495 сўм.***

* «Disel Generator AKSA model APD 550C» дизель генератори.

***Бошланғич баҳоси — 126 655 414 сўм.***

***Изоҳ:*** кўчмас мулк объекти ва мол-мулклар мажмуа сифатида сотилади.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 30 март куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**«Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри,**
**Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55.**
**E-mail: universal.realtor@mail.ru**

447R/609

Хизматлар лицензияланган.

# «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2016 йил 31 март куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.**

**Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончаси ва Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими ҳовлисида сақланаётган:**

- Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 октябрдаги 19-1208/14893-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-9397» русумли, давлат рақами 75 0846 АА.

***Бошланғич баҳоси — 3 285 000 сўм.***

- Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 28 мартдаги 19-1206/2946-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 799 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 3 189 000 сўм.***

- Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 13 июлдаги 19-1208/9206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 811 GAA.

***Бошланғич баҳоси — 3 189 000 сўм.***

- ФИБ Сурхондарё вилояти кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 4-243-15-сонли ажримига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti» русумли, давлат рақами 75 X 014 BA.

***Бошланғич баҳоси — 38 000 000 сўм.***

- Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 19 K 1526.

***Бошланғич баҳоси — 1 332 453,38 сўм.***

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 20 октябрдаги 1-436-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, давлат рақами 75 O 013 CA.

***Бошланғич баҳоси — 15 309 910,44 сўм.***

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 9 июндаги 1-56-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 75 V 138 EA.

***Бошланғич баҳоси — 20 083 950 сўм.***

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «HONDA» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 1 598 312,07 сўм.***

- ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 02-85-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 B 372 DA.

***Бошланғич баҳоси — 5 011 317 сўм.***

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 21 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 75 Y 037 EA.

***Бошланғич баҳоси — 19 116 000 сўм.***

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2014 йил 2 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 75 V 654 DA.

***Бошланғич баҳоси — 11 842 605 сўм.***

**Бойсун тумани СИБ томонидан хатланган, Бойсун тумани ИИБда сақланаётган:**

- ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 10 октябрдаги 1-81-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «АГБ-СПГ-М412» русумли, давлат рақами 19 L 27 98.

***Бошланғич баҳоси — 673 159 сўм.***

- ЖИБ Денов тумани судининг 2015 йил 19 майдаги 1-149-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 75 X 997 DA.

***Бошланғич баҳоси — 19 026 900 сўм.***

- ФИБ Сурхондарё вилояти судининг 2015 йил 21 августдаги 2-669-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Labo» русумли (юк бортли тент), давлат рақами 75 O 421 EA.

***Бошланғич баҳоси — 39 141 270 сўм.***

**Қумқўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган:**

- ЖИБ Бойсун тумани судининг 2014 йил 11 июлдаги 1-88-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 75 L 162 DA.

***Бошланғич баҳоси — 2 468 249 сўм.***

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 18 январдаги 1-71-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 N 849 DA.

***Бошланғич баҳоси — 4 535 975 сўм.***

- ЖИБ Шўрчи тумани судининг 2015 йил 15 ноябрдаги 1-206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ-21041-40» русумли, давлат рақами 75 C 464 FA.

***Бошланғич баҳоси — 15 344 243 сўм.***

- Қизириқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2015 йил 24 июлдаги 01-121-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизириқ тумани ИИБда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti» русумли, давлат рақами 75 L 464 EA.

***Бошланғич баҳоси — 29 700 000 сўм.***

**Музработ тумани СИБ томонидан хатланган, Музработ тумани ИИБда сақланаётган:**

- ЖИБ Музработ тумани судининг 2015 йил 14 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 F 781 FA.

***Бошланғич баҳоси — 12 137 850 сўм.***

- ЖИБ Ангор тумани судининг 2015 йил 24 июлдаги 1-104-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5204» русумли, давлат рақами 75 У 378 BA.

***Бошланғич баҳоси — 15 535 800 сўм.***

**Жарқўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Жарқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган:**

- ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 26 февралдаги 1-565-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-3303» русумли, давлат рақами 75 Q 498 EA.

***Бошланғич баҳоси — 6 495 390 сўм.***

- ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 19 майдаги 1-59-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-138 А» русумли, давлат рақами 19 D 0305.

***Бошланғич баҳоси — 6 338 629 сўм.***

- ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21-03» русумли, давлат рақами 19 G 4732.

***Бошланғич баҳоси — 1 831 449 сўм.***

**Сариосиё тумани СИБ томонидан хатланган, «Қишлоқхўжаликкимё» АЖда сақланаётган:**

- Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 23 декабрдаги 19-1307/17502-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-35320» русумли, давлат рақами 75 N 422 EA.

***Бошланғич баҳоси — 15 007 320 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2016 йил 31 мартдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2016 йил 15 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2016 йил 15 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 23 ноябрдаги 1-517-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳар СИБ майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Daewoo Damas LPG» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 31 680 000 сўм.***

- 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Daewoo Labo LPG» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 39 900 000 сўм.***

- 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Daewoo Labo LPG» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 39 900 000 сўм.***

- 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Daewoo Labo LPG» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 39 900 000 сўм.***

- 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «Daewoo Labo LPG» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 39 140 000 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 31 мартдаги аукцион савдосига 2016 йил 29 март куни ва 2016 йил 15 апрелдаги аукцион савдосига 2016 йил 13 апрель куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:**
**Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

* * *

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали томонидан Насуллаев Комилжон Асатуллаевичга берилган 0001310-рақамли «Аукцион савдосининг ғолиблик баённомаси» йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

445A/33

**Гувоҳнома № 004059.**

# «Universal auktsion invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 18 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 16 февралдаги 10-1410/24130-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уйда сақланаётган, «HG-76» русумли бўлган профиль қувур (труба) ишлаб чиқариш ускунаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 750 000 000 сўм.***

Юқоридаги ускуна билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ҳамда 2016 йил 15 апрель куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТБ «Туронбанк»нинг Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

455/33

**Аукцион савдосини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили:**
**Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**


# GRUZSHINA.UZ

## КЎП ТУРДАГИ АВТОШИНАЛАР




**Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.**

**Тел.: (+99871) 250-07-40.**
**Факс: (+99895) 170-32-52.**

53R/7



# HIKVISION smart

**Интеллектуальные IP-камеры для**
**РАСПОЗНАВАНИЯ АВТОМОБИЛЬНЫХ НОМЕРОВ**




- Запись событий в базу данных, работа с «черным» и «белым» списком.
- Управление исполнительными устройствами.
- Контроль доступа автотранспорта и формирование отчетов.
- Интеграция в системы «Безопасный город», «Перекресток», «Светофор» и т. п.




**Товар сертифицирован**

437R/12

**Тел. (0-371) 238-99-99. Факс (0-371) 237-29-77.**
**www.hikvisionsmart.uz info@hikvisionsmart.uz**


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Аҳад Аҳмедовга онаси

**КАРОМАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Андижон вилояти хўжалик судининг раиси Анвар Шукуруллаевга онаси

**Раҳима ШУКУРУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Физика кафедраси фахрийси, доцент

**Дилбар ЮСУПОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Давлат белгиси” ДИЧБ Тошкент босма фабрикаси жамоаси бош мутахассис

**Нурилла МАГДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# Ўзбекистоннинг таълим тизими Брюсселда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тақдимот чоғида сўзга чиққан **UNICA бош котиби Крис Деёнкер** Ўзбекистонда таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилгани ва давлат бюджетидан соҳага салмоқли маблағ ажратилаётганини қайд этди.

— Мамлакат раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор ва амалий кўмак кўрсатилаётгани туфайли бутун жамиятнинг интеллектуал ҳамда маънавий юксалиши ва баркамол авлодни вояга етказишга қодир бўлган самарали узлуксиз таълим тизими ҳаётга жорий қилинмоқда, — деди у.

Бош котибнинг айтишича, UNICA юртимиз билан бундан кейин ҳам ҳар икки томон учун наф келтирадиган ўзаро ҳамкорликдан манфаатдордир. Халқаро шерикликнинг йўлга қўйилиши Ўзбекистон Республикаси ва Европа давлатлари ўртасида таълим соҳасидаги алоқаларнинг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш учун катта имкониятлар эшигини очади.

— Шуниси қувонарлики, ислоҳотлар натижасида ушбу йўналишда катта силжишга эришилди, — дея таъкидлади Крис Деёнкер. — Ҳозирги вақтда мамлакатда кўп сонли олий ўқув юртлари ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари бўлимлари фаолият кўрсатаяпти. Ўйлайманки, таълим тизимидаги бундай имкониятлар ёш авлод вакилларига билимларини ошириш ва ўз салоҳиятини намоён қилиш учун кенг шароитлар эшигини очади.

**Загреб университети профессори, Европа университетларининг докторлик таълими бўйича ассоциацияси кенгаши раиси Мелита Ковачевич (Хорватия)** қайд этганидек, суверен ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистон юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимининг яхлит ҳамда самарадор тизимини шакллантиришга муваффақ бўлди.

— Европа университетлари ассоциацияси (EUA) Европа олий таълим ва тадқиқотчилик фаолияти соҳасида янги тамойилларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим ўрин тутади, — деди у. — Мана олти йилдан ошдики, Европанинг тегишли дастурлари доирасида ташкилотимиз Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу ҳамкорлик олий ва касб-ҳунар техник таълимини модернизациялаш ҳамда бошқа турли йўналишларда намоён бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, бу соҳадаги ислоҳотлар жуда тез ҳамда жамиятимиздаги изчил демократик ўзгаришлар билан ўзаро ҳамоҳангликда рўй бермоқда. Бунда дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги илғор тажриба ҳисобга олинаётир.

**ЕИ Комиссиясининг Таълим, аудиовизуал воситалар ва маданият бўйича Ижроия агентлиги вакили Пия Ҳенамаки** бўлиб ўтган тақдимот маросими Ўзбекистоннинг барча халқаро андозаларга жавоб берадиган таълим тизими билан яқиндан танишишга замин яратганини билдирди.

— Йигирма йил давомида Ўзбекистоннинг 55 таълим муассасаси ҳамда ЕИга аъзо бўлган йигирма икки давлат ва ўнта шерик мамлакатдаги 150 дан ортиқ олий ўқув юртлари иштирокида 32,2 миллион евро миқдорига тенг 80 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди, — деди у. — Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлари "Эразмус Мундус" дастурининг фаол иштирокчиси ҳам ҳисобланади. У талабалар ва ўқитувчиларнинг академик тажриба алмашинувини қўллаб-қувватлашга, университетлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ўзбекистоннинг олий таълим муассасалари ЕИнинг таълим ва профессионал тайёргарлик соҳасидаги барча лойиҳаларини бирлаштирган янги "Эразмус+" маърифий дастурига ҳам жалб этилган. Мазкур дастур таълим ҳамда ўқитиш тизимини модернизациялаш, кўникмаларни такомиллаштириш ва албатта, ёшларнинг ишга жойлашиш имкониятларини яхшилаш жараёнларига кўмаклашади. Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, таълим соҳасидаги Европа дастурларини ўзбек ёшлари кенг қамраб олишларига ишончим комилдир.

Тадбирда сўзга чиққан **Европа Иттифоқи Комиссиясининг таълим ва маданият бўйича бош директорати вакили Брайн Толл** мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатимиз юқори ўсиш суръатларини намоён этаётганини айтди.

— Ўзбекистон изчил ривожланмоқда, барча йўналишдаги муваффақиятлар билан бир қаторда, таълим соҳасини тараққий эттиришга ҳам улкан аҳамият қаратилаётгани диққатга сазовордир, — деди у. — Давлат бюджетидан жуда салмоқли ҳажмдаги маблағларнинг ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилаётгани мамлакатнинг янада равнақ топиши гарови ҳисобланади. Ўзбекистон таълим тизимини такомиллаштириш борасида тўғри йўналишни танлаб олган ва бу ижобий тажриба Европанинг кўпгина мамлакатлари учун фойдали бўлади, деб ҳисоблайман.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

---

**МУШОҲАДА**

Яқинда Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

# Саодатга йўғрилган иқбол

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда таниқли шоир, ёзувчи ва ёш олимлар, кино ҳамда театр актёрлари, эстрада хонандалари ва "Ниҳол" мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини мафкуравий, маънавий ҳамда ахборот хуружларидан ишончли ҳимоя қилиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш каби эзгу мақсадларни кўзлаган тадбирлар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Турин политехника университети, Инха университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент халқаро Вестминстер университетида, айниқса, қизғин мулоқотларга бой бўлди. Негаки, учрашувларда юртимизнинг истиқлол арафасидаги манзараси ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларни акс эттирувчи фотокўргазмалар намойиш этилгани мавзуни тушунтиришда ўзига хос усул бўлди. Истиқлол туфайли турли соҳаларда, жумладан, таълим тизимида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар, миллий армиямизнинг салоҳияти акс эттирилган, шунингдек, бугунги кунда дунёнинг айрим давлатларида юз бераётган нотинчлик, хунрезликлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини тушунтиришга қаратилган қисқа метражли фильм ва слайд-шоулар ҳам барчанинг диққатини тортди.

Тарғибот гуруҳлари вакиллари томонидан миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз, уларнинг жамиятда ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, турли оқимларга кўр-кўрона эргашишнинг салбий ҳамда аянчли оқибатлари, фарзандларнинг ўз ота-оналари ва Ватани олдидаги бурчлари, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, юртга садоқат каби мавзуларда фикрлар билдирилди, санъаткорлар иштирокида мусиқий чиқишлар ташкил этилди.

Бундай тадбирлар юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида жорий йилнинг декабрь ойига қадар ўтказилиши режалаштирилган. Уларда бевосита қатнашган, кўзлари ёниб турган йигит-қизларнинг Ватан, истиқлол, тинчлик борасидаги мулоҳазаларига гувоҳ бўлган киши сифатида айтамизки, дарҳақиқат, юртимиз мустақиллигидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир онгли инсон ўзига ўзи: "Ким эдигу ким бўлдик?" деган саволни бериши одатий ҳолга айланди. Зеро, бунинг замирида ҳаёт ҳақиқати ўз ифодасини топмоқда.

Мустабид тузум даврида ким эдик? Бу саволга барча юртдошларимизнинг жавоблари аниқ: она тилимиз камситилган, муқаддас динимиз ва миллий қадриятларимиз топталган, иқтисодиётимиз ночор, турмушимиз ҳаминқадар, мухтасар айтганда, ғоялари пуч тузумнинг қурбонига айланган йўқсил халқ эдик...

*Истиқлол туфайли буларнинг барчаси ортда қолди. Дастлаб энг муҳим йўналиш — таълим-тарбия соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг изчил ижроси натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай ўзгарди. Бугунги кунда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси қарийб юз фоизни ташкил этади. Бу халқаро миқёсда энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.*

Шу ўринда интернет орқали ўқиганим — икки йил илгари Лондонда ўтказилган "Таълим вазирларининг жаҳон саммити"да Лотин Америкаси, Африка қитъасида таълим соҳасининг айрим вакиллари ўз юртларида таълимга давлат етарлича эътибор қаратмаётгани, ўқув муассасаларининг молиявий ночорлиги, саводсизлик фоизининг ошиб бораётганлиги ҳақида билдирган фикри акс этган хабар ёдга тушди. Беихтиёр мамлакатимиздаги мавжуд аҳволни таққослайсан, киши. Чунки мустақиллик йилларида ўн мингга яқин мактаблар бутунлай янгидан бунёд этилди, бир ярим мингдан ортиқ замонавий коллеж ва лицейлар қад ростлади, ўнлаб олий таълим муассасалари ўқув бинолари, талабалар турар жойлари фойдаланишга топширилди. Бундай эзгуликлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Ана шу ғамхўрликка жавобан ёш авлод вакиллари ҳам ўз иқтидорини намоён этаётгани ғоят қувончли ҳолдир. Улар жаҳон миқёсидаги турли олимпиадаларда олтину кумуш медаллар соҳибига айланмоқда. Биргина мисол, ўтган йили Болгариянинг Влагоевград шаҳрида математика фанидан ўтказилган, 50 дан ортиқ давлатдан 330 нафар иқтидорли талаба иштирок этган 22-Халқаро олимпиадада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Ҳакимбой Эгамбердиев берилган масалани шу вақтгача фанда қўлланилмаган янгича усулда ечиб, ҳакамларни ҳайратда қолдирди ва олтин медални қўлга киритди. У яқинда Кипрда бўлиб ўтган фан олимпиадасида ҳам ғолибликка эришди.

Бугун таълим муассасаларида "Мураббийлик дарслари" ва "Ахборот соатлари"да истиқлол руҳи ила камолга етаётган талабаларимизга кеча ким эдигу бугун ким бўлганимиз ҳақида ғурур, фахр-ифтихор билан айтадиган фикрларимиз мазмунан бойиб бормоқда. Бунга яна бир асос давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференциядаги маърузасидир. Ушбу маърузада улуғ бобокалонларимизнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида сўз юритилар экан, юртимизда камол топган алломалар Европа илм-фанининг юксалишига катта ҳисса қўшганлиги теран асослаб берилган.

Ваҳолонки, илгари хорижликлар Авиценна, Фраганес, Имом Бухорий каби буюк зотлар номини эшитганларидаёқ ҳайратга тушар эдилару, бироқ уларнинг асл Ватани қаерда эканлиги, ҳатто қандай номланишини билишмаган. Мустақил давлат сифатида дунёга бўй кўрсатиб, жаҳон харитасида ўз ўрнимизни топгач ким бўлдик? Аҳли дунё Авиценна аслида — Абу Али ибн Сино, Фраганес — Аҳмад Фарғоний эканлигини, улар Имом Бухорий каби донг таратган ўнлаб алломалар қатори шу юрт фарзанди бўлганларини англаб яна ҳайратланмоқдалар. Шу маънода, Президентимиз Ислом Каримовнинг тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда "Ким эдигу ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни бош ғоя сифатида белгилаб бергани замирида улкан маъно мужассам.

**Музаффар КОМИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи.**

---

# Иккинчи тур якунланди

Футбол бўйича Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лигасида иккинчи тур ўйинлари якунланди.

Айтиш жоизки, ўтказилган саккизта учрашувнинг бештасида мезбонлар имкониятни бой берган бўлса, иккитасида меҳмонлар мағлубиятга учради. Фақат битта баҳсда дуранг қайд этилди.

**ФУТБОЛ**



Жумладан, Тошкентда "Пахтакор" футболчилари "Қўқон — 1912" жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта тўп йўллади. Пойтахтнинг яна бир клуби "Локомотив" эса сафарда "Андижон" устидан зафар қучди — 3:1. "Бунёдкор" вакиллари Жиззахда "Сўғдиёна" жамоаси билан беллашиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Муборакда кечган "Машъал" ҳамда "Металлург" (Бекобод) жамоалари ўртасидаги ўйин ҳам кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Унда дастлаб мезбонлар ҳисобда олдинга чиқиб олишганди. Бундан тушкунликка тушмай астойдил ҳаракат қилган меҳмонлар учта жавоб тўпи йўллаб, якунда ғалабага эришди.

"Водий дербиси", деб номланадиган "Нефтчи" ҳамда "Навбаҳор" жамоалари ўртасидаги қарама-қаршилик доимо катта қизиқишга сабаб бўлган. Бу галги учрашув ҳам бундан мустасно эмас. Буни шу куни стадионга 18 минг 278 нафар томошабин ташриф буюрганидан ҳам билиш мумкин. "Нефтчи" ўз майдонида ишончли ҳаракат қилди ва мухлисларига қувонч улашди — 1:0.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Обод" (Тошкент) — "Бухоро" (Бухоро) 0:0, "Олмалиқ" (Олмалиқ) — "Насаф" (Қарши) 1:3, "Шўртан" (Ғузор) — "Қизилқум" (Зарафшон) — 0:1.

Энди айрим статистика маълумотларини ҳам келтириб ўтсак. Юқорида айтиб ўтилган баҳсларни жами 61002 нафар мухлис бевосита стадионларда кузатди. Бу ҳар бир ўйинга ўртача 7625 нафар ишқибоз ташриф буюрди, деганидир. Икки тур якунига кўра, "Пахтакор", "Локомотив", "Металлург", "Насаф", "Бунёдкор", "Қизилқум" жамоалари 6 тадан очко жамғарди. "Навбаҳор", "Сўғдиёна", "Шўртан", "Машъал", "Андижон", "Олмалиқ" клублари эса, аксинча, ҳали бирорта ҳам очкога эга эмас.

**М. ҚОСИМОВ.**

---

**ФАН ВА АМАЛИЁТ**

*Урганч давлат университетида Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси доирасида ёш олимлар, магистрлар ва талабалар ўртасида "Инновацион ғоялар" кўрик-танловининг дастлабки босқичи ўтказилди.*

# Ёш тадқиқотчилар танлови

Унда университетнинг ёш олимлари ва талабалари тежамкор технологиялар, муқобил энергия манбаларини яратиш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби йўналишлар бўйича 40 дан ортиқ инновацион ғоялари ҳамда ишланмалари билан қатнашди. Энг яхши, деб топилган лойиҳалар кўрикнинг навбатдаги босқичида иштирок этиш учун тавсия қилинди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 5 МАРТДАН 11 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 11, 2016-08-сон «Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган хом ашёни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2766 (2016 йил 14 мартдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 16 февралдаги 1, 338-В-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги муддатли ҳарбий хизматчилари пул таъминотининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкида очилган омонат ҳисобварақларига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2767 (2016 йил 14 мартдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 9 мартдаги 72-н-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2768 (2016 йил 14 мартдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг «Учишга яроқлилик сертификатини бериш» (ЎзР АҚ-30)

**Хабар**

Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1225, 2003 йил 5 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1225-1, 2005 йил 29 март), (рўйхат рақами 1225-2, 2008 йил 27 декабрь), (рўйхат рақами 1225-3, 2012 йил 15 август);

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг «Фуқаро ҳаво кемаларини давлат рўйхатидан ўтказиш» (ЎзР АҚ-45) Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1239, 2003 йил 29 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1239-1, 2004 йил 13 декабрь), (рўйхат рақами 1239-2, 2007 йил 12 сентябрь), (рўйхат рақами 1239-3, 2011 йил 3 март), (рўйхат рақами 1239-4, 2014 йил 29 май);

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларига шовқинлар бўйича сертификат бериш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1360, 2004 йил 20 май), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1360-1, 2006 йил 12 январь), (рўйхат рақами 1360-2, 2010 йил 29 июнь), (рўйхат рақами 1360-3, 2014 йил 29 май);

4. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига сертификат бериш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1428, 2004 йил 26 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1428-1, 2007 йил 12 февраль), (рўйхат рақами 1428-2, 2012 йил 2 ноябрь), (рўйхат рақами 1428-3, 2014 йил 29 май).

***Адлия вазирининг 2016 йил 11 мартдаги 48-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

***Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5 6